

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЕЛЕВИЗИОН ДАСТУРЛАРНИНГ МЕДИА КОНТЕНТИНИ**  
**СИҚИШНИНГ ЮҚОРИ САМАРАЛИ ТИЗИМЛАРИ, СИФАТИНИ**  
**БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ УСЛУБЛАРИ**

05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобил, тола-оптик алоқа тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Носиров Хабибулло Хикматулло ўғли**

Телевизион дастурларнинг медиа контентини сиқишнинг юқори самарали тизимлари, сифатини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш услублари.....3

**Носиров Хабибулло Хикматулло угли**

Высокоэффективные системы сжатия медиа контента телевизионных программ, оценка качества и их способы дальнейшего совершенствования .....19

**Nosirov Khabibullo Khikmatullo ogli**

High efficiency systems of compression of media content of television programs, quality estimation and methods of their further development .....35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works.....39

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОСИРОВ ХАБИБУЛЛО ХИКМАТУЛЛО ЎҒЛИ**

**ТЕЛЕВИЗИОН ДАСТУРЛАРНИНГ МЕДИА КОНТЕНТИНИ**  
**СИҚИШНИНГ ЮҚОРИ САМАРАЛИ ТИЗИМЛАРИ, СИФАТИНИ**  
**БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ УСЛУБЛАРИ**

05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобил, тола-оптик алоқа тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т140 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Камилов Мирзоён Мирзаахмедович**  
техника фанлари доктори, профессор,  
академик

**Расмий оппонентлар:**

**Раджабов Тельман Дадаевич**  
физика-математика фанлари доктори,  
профессор, академик

**Нигматов Хикмат**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«UZTELECOM» акциядорлик компанияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.:(+99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Р.Х.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.М.Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

**Х.К.Арипов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда телевизион дастурлар медиа контентининг сифатини яхшилаш ва узатиладиган каналларнинг сонини оширишга имкон яратувчи юқори самарали сиқиш тизимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. «Агар 2025 йилга бориб дунё маълумотлар омбори 163 ЗБ (зеттабайт – триллион гигабайт) гача ортишини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, катта ҳажмни эгалловчи телевизион дастурлар аудио-видеосигналларининг товуш ва тасвирлари сифат даражасини сақлаган ҳолда ҳажминини камайтириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада чет эл мамлакатларда, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Италия, Белгия, Испания, Швецария, Германия, Хитой, Россия ва бошқа давлатларда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда телевизион дастурларнинг медиа контентини юқори самарали сиқиш тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, техник ва технологик тарзда рақамли телевидениега ўтиш ҳамда телевизион дастурлар медиа контентини узатиш ва қабул қилиш тизимларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, рақамли телеэшиттириш билан аҳолига сифатли телевизион тасвир ва товуш сигналларни етказиб беришда сезиларли натижаларга эришилиб, жумладан рақамли видеосигналларни қабул қилиш қурилмаларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Шулар билан бир қаторда тасвир ва товуш сигналларни сиқишнинг юқори самарали тизимларини замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан « ... оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш, ... 66 та юқори қувватли ва 328 та кам қувватли рақамли телевидение узаткичларини ўрнатиш ва ишга тушириш, ... аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 100 фоизга етказиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда узатиладиган телевизион сигналлар тасвир ва товушининг сифат даражасини ошириш, телевизион дастурлар медиа контентининг ҳажминини камайтириш, қўшимча хизмат турларини жорий этишга имкон яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда тасвирларни модификацияланган дискрет-косинус, вейвлет ва уч ўлчамли ўзгартиришлар, масштаблаш алгоритмлари, бўлақларга бўлиш ёрдамида, товуш сигналларини тезкор Фурье ўзгартиришлари ва уларнинг комбинацияланган усулларида фойдаланиб сиқиш тизимларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири бўлиб, бу борада мақсадли илмий тадқиқотлар, жумладан қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда: товуш

---

<sup>1</sup> <http://www.storagenewsletter.com/2017/04/05/total-ww-data-to-reach-163-zettabytes-by-2025-idx/>

ва тасвирларнинг сифат даражасини сақлаган ҳолда юз ва ундан ортиқ марта сиқишга эришиш имконини яратувчи телевизион дастурларнинг медиа контентини кодлаш тизимини ишлаб чиқиш, қайта тикланган тасвир ва товуш сигналларини сифатини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган тизимларни такомиллаштириш, янги яратилган H.265 стандарти билан аввалги H.264 стандартини мослаштириш усулларини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2012 йил 17 апрелдаги ПҚ-1741-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли телеэшиттиришга техник ва технологик ўтиш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 24-сон «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини бундан кейинги ривожлантиришга шароитлар яратиш учун чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ISO/IEC JTC 1 Moving Picture Experts Group (MPEG) гуруҳи томонидан тасвирларга дискрет-косинусли қайта ишлаш алгоритмларини қўллаган ҳолда рақамли видео-аудиосигналларни сиқишнинг MPEG-1, MPEG-2 телевизион стандартлари ишлаб чиқилган. ITU-T Video Coding Experts Group (VCEG) ва MPEG гуруҳлари биргаликда телевизион эшиттириш учун мўлжалланган MPEG-4-10 (H.264 AVC), кейинчалик эса H.265 HEVC стандартлари ишлаб чиқилган. S.Biasi, M.Naccari, R.Weerakkody, J.Funnell, M.Mrak, J.Samuelsson, D.Nandakumar, S.Kotecha, S.Metta томонидан H.264 тизимидан H.265 тизимига ва тескари транскодлаш тизимлари ишлаб чиқилган. Y.Miki, Y.Sugito, K.Iguchi, T.Sakiyama, K.Onthriar, K.Loo, Z.Xue томонидан тасвирни бўлақларга бўлиб кодлаш тизими яратилган. A.Murphy, S.Silva, L.Claesson, D.Ratka тадқиқотлари натижасида юқори самарали кодлаш тизими ишлаб чиқилган. В.Дворкович, Ю.Зубарев, А.Рижков тадқиқотлари аудио ва видеосигналларни кодлаш тизимларини таҳлил қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган бўлиб статик тасвирларни кодлаш, ҳаракатни таянч нуқталарга боғлаган ҳолда таҳлил қилишга бағишланган. И.Родионов, В.Артюшенко, М.Смирнов, В.Юкин, А.Ратушняк, Д.Ватолинларнинг изланишлари AVC кодекси ва бошқа кодекларни таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда баҳолашга бағишланган.

Ўзбекистонда тасвирларга ишлов бериш жараёнларини интеллектуал бошқариш тизимини такомиллаштириш ва филтрлаш жараёнларини турли сонли моделларини яратиш муаммолари Д.А.Абдуллаев, М.М.Камилов, М.М.Мусаев, Х.Н.Зайнидинов, Р.Н.Усмонов, Т.Ф.Бекмуратов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган, Ю.С.Сагдуллаев, Ш.З.Таджибаев, М.З.Зупаров, Т.Г.Рахимов ва бошқаларнинг тадқиқотларида видео ва аудиосигналларни автоматик равишда шакллантириш усуллари, тиниқлик даражасини таъминлаш жараёнини бошқариш усуллари, сиқишнинг олдиндан масштаблаш, ёрқинлик ўзгартиришларига асосланган усул ва алгоритмлари ўрганилган. Шу билан бирга тасвирларни кодлашда ўлчами ўзгарувчан блоклар ёрдамида ёрқинлик ўзгартиришларини амалга ошириш, тасвир сифатини оширувчи кадрли умумлаштиришли масштаблаш алгоритминини қўллаш, телевизион дастурларнинг аудиосигналларини аудиокадрлараро қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқиш, сиқиш коэффициенти юз мартадан катта бўлган қийматларда тасвир ва товушнинг юқори сифат даражасини сақловчи самарали сиқиш усуллари яратишга бағишланган илмий изланишлар ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А5-037 «Мобил алоқа тизимлари учун кадрлараро ишлов беришли вейвлет-ўзгартириш асосидаги аудио-видеокодекнинг қурилма-дастурий воситаларини ишлаб чиқиш» (2012-2014), А5-024 «Мобил алоқа тизимлари учун кадрлараро тасвирга ишлов бериб вейвлет ўзгартириш асосида видеокодекни ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** телевизион дастурларнинг медиа контенти ҳажминини тасвир ва товушнинг яхши сифат даражасини сақлаган ҳолда юз ва ундан ортиқ марта камайтиришни таъминловчи юқори самарали сиқиш тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

телевизион (ТВ) дастурларнинг видеосигналларини самарали сиқиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ТВ дастурларнинг аудиосигналларини самарали сиқиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

тасвир ва товуш сифатини баҳолаш усуллари такомиллаштириш;

аудио-видео кодек дастури вариантларини яратиш;

аудио-видео кодекни тузилиш схемасини ишлаб чиқиш ва уни яратиш учун элементлар базасини шакллантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида телевизион дастурларнинг медиа контентини юқори самарали сиқиш жараёнлари қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети** телевизион дастурларнинг медиа контентини сиқишда қўлланиладиган усуллари, алгоритмлари, воситалари ва қурилмаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида таҳлилий, математик ва сонли моделлаштириш, алгоритмлаш, дастурлаш, махсус ишлаб чиқилган сиқиш даражасини, товушни эшиттириш ва тасвирлар визуал ўзгаришларининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тасвирни ўлчами адаптив ўзгарувчан блоклар ёрдамида бир хил кўринишга келтирувчи ёрқинлик ўзгартириш усули яратилган;

ТВ дастурларнинг аудиосигналларини сиқиш коэффициентини оширувчи аудиокадрлараро қайта ишлаш усул ва алгоритми ишлаб чиқилган; видеосигналларни сиқишнинг катта коэффициентларида тасвир сифатини оширувчи кадрлараро масштаблаш алгоритми яратилган;

ТВ дастурлар видеосигналларини ўлчами ўзгарувчан блоклар ёрдамида ёрқинлик ўзгартиришларини амалга ошириб, тасвир сифатини оширувчи кадрлараро масштаблаш асосидаги сиқиш тизими ишлаб чиқилган;

аудио-видео кодекнинг структура схемаси ва шакллантирилган элементлар базаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ТВ дастурларнинг тасвирларини вақт бўйича ортиқчалигини йўқотувчи кадрлараро қайта ишлашга асосланган видеосигналларни самарали сиқувчи усул ва алгоритм ишлаб чиқилган;

катта сиқиш коэффициентларида тасвир сифатини сақловчи, адаптив блоклар ёрдамида тасвирнинг тузилмавий ортиқчалигини йўқотувчи усул ва алгоритм ишлаб чиқилган;

аудиосигналларни анъанавий сиқиш усуллариининг самарадорлигини оширувчи аудио файлларни аудиокадрлараро қайта ишлаш усул ва алгоритми ишлаб чиқилган;

видеосигналларни H.264 кодекига нисбатан 1,2–1,5 баробар самаралироқ сиқиш имконини берувчи, магнит, оптик ва электрон сақлаш қурилмаларининг хотирасини самаралироқ ишлатишга имкон яратувчи аудио-видео кодек тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги келтирилган усул ва алгоритмлар реал мультимедиа дастурлари устида ўтказилган тажрибалар асосида олинган натижалар, тасвир ва товушларни турли бит тезликлардаги солиштирма жадваллари билан текширилганлиги, тасвир ва товушнинг сифатини баҳолаш учун нафақат субъектив, балки ўрта квадратик четлашишини ва пик сигналнинг шовқинга нисбатини ҳисоблаш билан объектив усуллар қўлланилганлиги, ҳамда тасвир ва товушнинг сифати юз ва ундан ортиқ марта сиқилганида MPEG-4-10 стандартидан қолишмаслиги исботланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти аудиокадрлараро ва кадрлараро қайта ишлашга ҳамда бирламчи масштаблашга асосланган аудио-видеосигналларни сиқишнинг янги усул ва алгоритмлари яратилганидир. Ишнинг натижалари аудио-видеосигналларни қайта ишлаш, сиқиш ва сақлаш тизимларида, телевизион дастурларни узатишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти узатилаётган дастурларнинг ҳажмини камайтириш ҳисобига, улар эгаллайдиган частота кенглигини торайтириш билан узатилаётган дастурлар сонини оширган ҳолда телевизион сигналларни узатиш тизимини яхшилашга, аудио ва видеосигналларни сиқиш, сақлаш ва узатиш миллий стандартини яратишга, радиочастота полосасидан самарали фойдаланишга, қабул қилиш томонида жорий узатиш параметрлари доирасида юқори сифатли тасвир ва товушни олишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аудио-видеосигналларни ўлчамлари адаптив ўзгарувчан блоklar қўлланилган ёрқинлик ўзгартиришлари ва аудиокадрлараро қайта ишлаш усуллари ёрдамида ишлаб чиқилган сиқиш тизими асосида:

ТВ дастурларнинг тасвирларини вақт бўйича ортиқчалигини йўқотувчи кадрлараро қайта ишлашга асосланган, тасвир сифатини сақлаб қолиб тузилмавий ортиқчалигини адаптив блоklar ёрдамида йўқотувчи видеосигналларни самарали сиқувчи тизими «O‘zbekiston MTRK mediamarkazi» давлат унитар корхонасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 25 сентябрдаги 33-8/6360-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари чиқувчи аудио-видео файлларнинг ҳажмини 1,2 марта камайтириш ва серверда 20% кўпроқ маълумотларни сақлаш имконини берган;

аудиокадрлараро қайта ишлашга асосланган аудиосигналнинг вақт бўйича ортиқчалигини йўқотиш тизими «Respublika teleradiomarkazi» давлат унитар корхонаси Тошкент радиоэшиттириш уйида ёзиб олинган аудиосигналларни сиқиш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 25 сентябрдаги 33-8/6360-сон маълумотномаси). Олинган натижалар товуш сигналларида такрорланишларни кодлаб, чиқувчи файлларнинг ҳажмини дастур сюжетга боғлиқ ҳолатда 1,05–1,1 мартагача (5–10%) камайтириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, 3 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Телевизион дастурларнинг медиа контентини сиқиш усуллари**» деб номланган биринчи бобида медиа контентнинг мазмуни ва узатилиши талаблари тавсифланган, телевизион тасвирларнинг ортиқча маълумотлари ва уларни йўқотиш усуллари таҳлил қилинган. Аудио ва видеосигналлар ҳажмини сиқишнинг замонавий усуллари ўрганилган. Кенг тарқалган ўзгартириш усулларида дискрет-косинус ва вейвлет ўзгартиришлари келтирилган. Психоакустик ва спектрал ўзгаришларга асосланган товуш сигналларининг сиқиш усуллари таҳлил қилинган.

Аудио ва видеосигналларни сиқишнинг замонавий усуллари ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида тадқиқот вазифалари шакллантирилди.

Бажарилган ишларнинг натижалари асосида қуйидагилар аниқланди. Тасвирларнинг ҳажмини қисқартириш асосан қайта ишланаётган тасвир сюжетига кучли боғлиқ бўлган ортиқча (башорат қилинадиган) маълумотларни йўқотиш билан амалга оширилади. Нисбатан бир хил сюжетга эга бўлган тасвирлар майда тузилмали тасвирларга қараганда яхшироқ сиқилиши аниқланди.

Сиқиш қийин бўлган тасвирларни сиқилишини бошқариш учун спектрал коэффицентларни махсус квантлаш коэффицентларига бўлиш ва натижани энг яқин бутун қийматга тенглаштириш усули қўлланилади. Натижада, сиқиш миқдори ортади, лекин бузилишларга олиб келадиган фойдали маълумотларнинг йўқотилиши ҳам ошади.

Видео оқими ичида катта ўхшашликларга эга бўлган кўшни кадрларнинг кўплиги сабабли видеосигналларни сиқишда асосан видео объектларининг ҳаракатини компенсация қилиш усулидан фойдаланиб, кадрлараро фарқларни йўқотишга асосланилади. Шу билан бирга мақбул сифат билан сиқишни 60–70 марта бўлишини таъминлаш мумкин. Бироқ, каттароқ сиқишда блок эффекти кўринишидаги бузилишлар намоён бўла бошлайди.

Замонавий видео кодекларда визуал тасвир сифатининг ёмонлашувисиз, блокли бузилишларни йўқотиш учун таянч кадрларни сиқишни 1,5–2 марта ошириш имконини берувчи турли вейвлет ўзгартиришлари қўлланилади. Энг оддий Хаара вейвлет функциялари қуйидаги ифода билан берилди:

$$f(t) = \sum_{k=-\infty}^{\infty} c_k \phi(t - k) + \sum_{k=-\infty}^{\infty} \sum_{j=0}^{\infty} d_{j,k} \psi(2^j t - k), \quad (1)$$

бу ерда  $c_k$  ва  $d_{j,k}$  аниқланиши керак бўлган коэффицентлар.

Базис функцияси бўлган  $\phi(t)$  бу бирлик импульс ҳисобланади.

$$\phi(t) = \begin{cases} 1, & 0 \leq t < 1, \\ 0, & \text{аксинча.} \end{cases} \quad (2)$$

$\phi(t-k)$  функция  $\phi(t)$  функциянинг  $k$  қийматга сурилган нусхаси ҳисобланади. Шу билан бирга  $\phi(2t-k)$  функция  $\phi(t-k)$  функциянинг аргументини 2 марта камайтириш (яъни масштабни камайтириш) билан ҳосил қилинади. Сурилган функциялар вақтнинг турли қийматларида  $f(t)$  функциясини аппроксимация қилишда, турли масштабли функциялар эса  $f(t)$  функцияни юқорироқ сифатларда аппроксимация қилишда қўлланилади.

Хаара вейвлетининг базиси  $\psi(t)$  зинасимон функция ҳисобланади:

$$\psi(t) = \begin{cases} 1, & 0 \leq t < 0.5, \\ -1, & 0.5 \leq t < 1. \end{cases} \quad (3)$$

Аммо, вейвлетлар бутун тасвирни қайта ишлашда яхши фойдаланилади, ҳаракатни компенсациялашда башорат қилинган кадрларнинг пиксел блокларини кодлаш учун эса, одатда, дискрет-косинус ўзгартиришлар (ДКЎ) ёки модификацияланган ДКЎ қўлланилади, бу эса кодлаш самарадорлигини камайтиради. Дискрет-косинус ўзгартиришлар куйидагича ифодаланади:

$$F(u, v) = (1/4)C(u)C(v) \sum_{x=0}^7 \sum_{y=0}^7 p(x, y) \left[ \cos \frac{(2x+1)u\pi}{16} \right] \left[ \cos \frac{(2y+1)v\pi}{16} \right], \quad (4)$$

бу ерда  $v$  – график блокнинг горизонтал координатаси,  $u$  – вертикал координатаси,  $x$  – блокнинг ичидаги вертикал координата,  $y$  – блокнинг ичидаги горизонтал координата,  $u, v = 0$  бўлганда  $C(u), C(v) = 1/\sqrt{2}$ , бошқа ҳолларда  $C(u), C(v) = 1$ .

Модификацияланган дискрет-косинус ўзгартириш нафақат тасвирларни сиқишда, балки товуш сигналларини сиқишда ҳам қўлланилади ва куйидагича ифодаланади:

$$X(k) = \sum_{n=0}^{2M-1} x(n)h(n), \quad (5)$$

бу ерда  $k$  ва  $n$  – мос равишда  $x(k)$  спектрал компонентанинг ва товуш сигналининг  $x(k)$  дискрет қийматларининг индекслари;  $0 \leq k \leq M-1$ ;

$$h_k(n) = w(n) \sqrt{2/M} \cos \left[ \frac{(2n+M+1)(2k+1)\pi}{4M} \right] - \text{паст частотали филтер}$$

сифатларига эга бўлган филтер-тахлил сигнали  $x(n)$  нинг импульсли жавоби ёки  $h(k)$  базис векторнинг компонентлари;  $2M$  – кадр узунлиги.

Товушни кодлашда эшиттириш сигналлари, одатда, турли манбалар (муסיқа асбоблари, одамлар овози ва бошқалар) жамланмасидан иборатлиги аниқланди. Натижада бундай сигнал шовқин кўринишида бўлади ва жуда паст корреляцияга эга бўлади, бу эса сиқиш имкониятини камайтиради. Шунинг учун аудио оқимларни сиқиш асосан инсон қабул қила қилмайдиган компонентларини психоакустик қайта ишлаш билан йўқотишга асосланади. Бунда, аудиосигналларни қайта ишлашнинг қолган қисми тасвирларни қайта

ишлаш усулларига асосланади.

Диссертациянинг «**Аудио-видеосигналларни сиқиш стандартларининг тузилиши ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тамойиллари**» деб номланган иккинчи бобида MPEG-4/H.264, HEVC/H.265 тизимларида видео ва аудиосигналларни кодлашнинг асосий усуллари таҳлил қилинган. Кўриб чиқилган стандартлар юқори сифатли тасвир ва товушни таъминловчи махсус эшиттириш телевидениеси учун ишлаб чиқилган.

Амалга оширилган ишлар натижасида қуйидагилар ўрнатилди. MPEG-2 эшиттириш телевидениеси стандарти таянч ва видеообъектларнинг ҳаракатини компенсация қилиб билан башоратланган кадрларни тасвирларининг блоклар тузилмасини дискрет-косинусли ўзгартиришга асосланган. Бунда барча кадрлар учун блок ўлчами 32x32 пикселни ташкил этади. Ушбу стандарт 3 Мбит/с ва ундан юқори битрэйтларда декодланган тасвирларнинг яхши сифатини таъминлайди, пастроқ битрэйтларда эса блок эффекти ва бир қатор бошқа бузилишлар пайдо бўлади.

MPEG-2 стандартида аудио кодлаш товуш сигналининг частота диапазонини модификацияланган дискрет-косинус ўзгартириш ёрдамида 32 йўлакка бўлишга асосланган. Бунда асосий сиқиш ҳар бир йўлак аудиосигналларини эшитиш қобилиятининг яхшиланган 2 психоакустик модели ёрдамида амалга оширилади. Шундай қилиб аудио оқимни яхши эшиттириш сифатида 9-15 марта сиқилиши таъминланади.

MPEG-4-10 стандарти (H.264) MPEG-4 мультимедиа стандартининг видео сиқишни объектга йўналтирилган ёндошуви асосида эшиттириш варианты ҳисобланади. Ҳаракатни тўлдириш ажратиб олинган видео объектининг конфигурацияси ва ўлчамларига эга бўлган блокларни қўллаш кадрлараро фарқланишларини сезиларли даражада камайтиради, бу эса сифатни ёмонлаштирмасдан видео оқимни сиқишни оширади. Бошқа томондан, тасодифий шаклдаги видео объект контурларини белгилаш мураккаб ажратиб олиш вазифаси бўлиб, реал вақтда бажариш қийин. Шунинг учун, MPEG-4-10 ва H.264 параметрлари ўзгарувчан ўлчамдаги оддий тўртбурчакли блоклардан фойдаланади, бу кодлаш тезлигини сезиларли даражада оширади. Бундан ташқари, таянч кадрларни кодлаш учун вейвлет ўзгартиришлар қўлланилади, шунингдек башоратланган кадрларнинг блокли бузилишларини камайтириш мақсадида махсус деблокинг филтрлари қўлланилади.

MPEG-4-10 стандартининг аудио қисмида MPEG-2 стандартининг усуллари тўлиқ қўлланилади, шунингдек, аудио оқимнинг сиқиш коэффициентини сезиларли оширувчи, параметрик кодлаш усулларидан фойдаланилади. Субполосали ва параметрик гибрид кодлашдан фойдаланиш аудиосигналларни сиқишни 20–22 мартагача ошириш имконини беради.


Ҳозирги вақтда ишлаб чиқилаётган H.265 стандарти кўп видео маълумотларни ўз ичига олган юқори сифатли тасвирларни самаралироқ кодлаш учун мўлжалланган. Ушбу стандарт видео оқимнинг визуал сифатини сақлаш билан 40% юқорироқ сиқиш коэффициентини бериши кўзланмоқда. Шундай қилиб, H.264 билан солиштирганда, ҳаракатни

компенсация қилиш билан блокларининг максимал ҳажми 64x64 га кўтарилди, яъни 4096 пикселни ташкил қилди. Бундай блоklar бир хил юзаларни кодлашни осонлаштиради. Бироқ, тасвирга мураккаб ишлов бериш ишлаш тезлигини пасайтиради, шунинг учун юқори самарадор ва қиммат микропроцессор қурилмалари талаб қилинади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда ишлаб чиқиш жараёнида H.265 стандартининг овоз қисмида H.264 стандартининг овозли қисми усулларидадан фойдаланилмоқда

Диссертациянинг “ТВ дастурларнинг аудио ва видеосигналларини самарали сиқиш қурилмасининг усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобида аудио ва видеосигналларнинг сиқилиш қийматига ва қайта тикланганида сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар келтирилган, шунингдек, статик, динамик тасвирларнинг видеомальумотларини сиқиш самарадорлигини ошириш усуллари танлаш асосланган. Аудиосигналларни вақт бўйича ортиқчалигини бартараф этишга асосланган сиқишнинг самарали усуллари келтирилган, аудио-видео кодекнинг структура схемалари яратилган.

Тасвирларни сиқиш самарадорлигини ошириш учун тасвир пиксел қийматларининг мослашувчан ёркинлик ўзгартиришлари ва бирламчи тасвирни олдиндан масштаблаш усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилган. Блок-схемаси 1-расмда келтирилган ушбу алгоритмда тасвирларнинг ўхшаш соҳаларини топиш амали бажарилади.



**1-расм. Тасвирларни ўзгарувчан ўлчамли блоklarга адаптив бўлиш алгоритми блок-схемаси**

Бу бир хил ранглилик сатҳига эга бўлган соҳаларнинг маълумотларини

узатиш учун юза ҳақидаги маълумот ва бир ранг сатҳини узатиш етарли бўлади. Бу усул RLE ўзгартиришига ўхшаш бўлиб, кўп такрорланадиган элементларни узатиш учун элементлардан бирининг қиймати ва такрорланишлар сони етарли бўлади.

Тасвир 3-блокда  $2 \times 2$  ўлчамли, яъни ҳар бири 4 пикселдан иборат блокларга бўлинади. Бу 4 пикселлардан энг кичик (минимал) қийматга эга пиксел 4-блокда аниқланади. Сўнгра минимал қиймат блокнинг ҳар бир пикселидан айрилади. Натижалар 5-блокда  $2,55 * k$  хато омил ( $k$  - фойдаланувчи томонидан ўрнатилган фоиз бўлиб, фоиз хато деб аталади) билан солиштирилади. Фарқ берилган қийматдан кичик бўлса, барча 4 пикселлар бир хил ҳисобланади ва кейинчалик  $2 \times 2$  блок саналади, ҳамда қўшни  $2 \times 2$  блоклар билан 6-блокда солиштирилиб  $4 \times 4$  ўлчамли блокни ҳосил қилади. 7-блокда бу блокнинг минимал қиймати бошқалардан айрилади ва айирма хато омилдан кичик бўлганда  $8 \times 8$  блок шакллантирилади. Шу тарзда  $32 \times 32$  (1024 пиксел) блокча давом этади. Агар айирмалар хато омилдан катта бўлса, қийматлар ўзгаришсиз ёзилади.

Тасвирда ўхшашлик топилганидан ва шартли равишда блокларга бўлинганидан сўнг ишлов берилади, яъни ҳамма топилган минимал қийматлар берилган тасвирдан уларни жойлашишига қараб айрилади. Бунда бир хил соҳалар тасвирда қанча кўп бўлса, чиқишда шанчалик бир хил ёрқинлик қийматли тасвир ҳосил бўлади, шу билан бирга RLE компрессор ёрдамида яхшироқ сиқилади. Мета маълумотларда тасвирни декодлашда тиклаш мумкин бўлиши учун блокларнинг ўлчамини англатадиган коэффицентлар ва уларнинг ранглилиги минимал қийматлари ёзилади.

Аудио кодлаш самарадорлигини ошириш мақсадида аудиосигналларнинг вақт бўйича ортиқчалигини йўқотадиган ўхшаш аудиокадрларни қидиришга асосланган, вейвлет асосида спектрал ўзгартиришли усул ишлаб чиқилган. Товуш сигналларини фрактал қайта ишлаш асосидаги сиқиш алгоритмининг блок-схемаси 2-расмда келтирилган. Алгоритмнинг ишлаши буфер хотирага WAV форматдаги товушли бирламчи файлни юклашдан бошланади, 3-блок – “блокларга бўлиш”га вақт бўйича қийматлари келиб тушади. Бу ерда 0 орқали ўтиш ҳоссасига кўра қийматлар аудиокадрларга бўлинади. Сўнгра 4-блокда бу аудиокадрлар «ўхшаш» аудиокадрларни топиш учун солиштирилади.


Агар шундай кадрлар топилса, чиқиш буферига солиштирилган «бирламчи аудиокадр» ва унга ўхшаш бўлган массивдаги аудиокадрларнинг координаталари сақланади. Агар қайсидир аудиокадрга ўхшашлари топилмаган бўлса, бу кадр тўлиқлигича вейвлет ўзгартириш блокига юборилади, ундан чиқадиган коэффицентлар RLE компрессор ва Хаффман алгоритмлари билан қайта ишланади.

Кейин сиқилган маълумотлар турли ахборот ташувчиларга ёзилиши ёки алоқа канали орқали узатилиши мумкин.

Товуш ва видео оқимларини бирлаштириш учун тасвирларни вейвлет ўзгартиришли ёрқинлик ўзгартириш ва товуш сигналларини фрактал-спектрал қайта ишлаш асосида телевизион сигналларни сиқиш тузилиш

схемаси (3-расм) ишлаб чиқилган.

Бирламчи рақамли аудио ва видеосигналли оқим демультимплексорлангандан сўнг видео ва аудио сигналларга ажралади.




**2-расм. Товуш сигнаolini фратал-спектрал қайта ишлашга асосланган сиқишнинг умумлашган блок-схемаси**

Видеосигналлар тўрт кадрли хотира буферига келиб тушади, сўнгра ранглилик модели YUV форматига ўзгартирилади. Тасвирларни сиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида «ўлчамларини камайтириш блокада» тасвир масштаби камайтирилади. Кичрайтирилган тасвир вейвлет ўзгартириш (ВЎ) фильтри блокага келиб тушади. Бу ерда пикселлар декорреляцияланади ва ВЎ коэффицентлари шакллантирилади. Видео оқим сиқилишини бошқариш учун ВЎ коэффицентлари «квантлагич» блокада квантланади ва «статик компрессор» блокада кодланади. Компрессор сиқишни 20–25% оширувчи кетма-кетликлар узунлиги усули ва қўшимча арифметик кодер ёки Хаффман кодери ёрдамида асосий сиқишни амалга оширади.

Кодланган маълумотлар видео ва товуш сигналларининг аудио маълумотлари билан чиқиш каналида бирлаштириш учун мультимплексорга


келиб тушади. Товуш сигналларини кодлаш блоки фрактал кодлаш усулини қўллайди. Бунинг учун аудио сигналнинг вақт бўйича маълумотлари буфер хотира блокига келиб тушади. Маълумотлар массивида гуруҳ маълумотларнинг нол орқали ўтиш асосида аудиокадрлар шакллантирилади ва бир хил тузимали аудиокадрлар умумий оқимдан изланади. Агар шундай тузилмалар ёки фракталлар топилса, улар узатилмайди, уларнинг бирламчи фракталга тегишлиларининг параметрлари ва чиқиш оқимида жойлашган ўрни узатилади. Агар бундай аудиокадрлар топилмаса, улар вейвлет ўзгартириш блокига келиб тушади. Бу ерда видеосигналларнинг кодлаш каналидаги каби ВЎ коэффициентларига ўзгартирилади.



**3-расм. Вейвлет ўзгартириш билан тасвирнинг ёркинлигини ўзгартиришли ва аудиосигналларнинг фрактал-спектрал ўзгартиришга асосланган телевизион сигнални сиқишнинг умумлашган структура схемаси**

Сиқиш коэффицентини бошқариш учун улар «квантлагич»да белгиланган бит тезликда квантланади ва ҳосил бўлган қийматлар компрессор блокига келиб тушади. Бу ерда статик ортиқчалик йўқотилади. Сўнгра маълумотлар маълум вақт ораликларида ўқишни таъминлаш учун чиқиш буферига киритилади ва аудио-видеосигналларнинг синхронлаштирилиши таъминланади.

Диссертациянинг **“ТВ дастурнинг аудио-видеосигналларини кодлаш тизимининг ишлаш самарадорлигини экспериментал баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобида қайта тикланган тасвир ва товушларнинг сифатини баҳолаш усуллари, видео ва аудиосигналларни кодлашни экспериментал баҳолаш натижалари келтирилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ёрқинлик ўзгартиришлари ва кадрлараро масштаблаш сиқиш қийматини 100 ва ундан катта марта ошириш имконини яратади.



**4-расм. Музиқий сигналларни фрактал-спектрал усулида сиқиш натижалари гистограммаси**

Адио сигналларнинг экспериментал тадқиқотлари натижаси (4-расм) шуни кўрсатадики, энг катта сиқиш коэффицентини кўп такрорланувчи музиқий қисмлари мавжуд бўлган «Three 6 mafia - Side To Side» ритмик оҳангини қайта ишланганда олинган. Бироқ, бошқа композицияларда, сиқиш коэффицентини нисбатан паст ва аниқлаш хатолигининг 10% қийматида ўртача 4–6 марта ташкил этади.

Товушларни фрактал кодек билан сиқиш самарадорлигини ошириш учун гибрид усули ишлаб чиқилди. Бунда вейвлет ўзгартиришлари блокларини қўшилиши ҳисобига, сақлашдан аввал фракталларнинг статистик ортиқчаликларини йўқотиш имконини беради. ВЎ блокларини қўллаш ўртача 7–10%га аудиосигналларни сиқишни оширишга ёрдам беради.

## ХУЛОСА

«Телевизион дастурларнинг медиа контентини сиқишнинг юқори самарали тизимлари, сифатини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш услублари» мавзусидаги диссертация бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Блокларининг ўртача қийматини аниқлашни қўлловчи ёрқинлик ўзгаришларига асосланган ТВ дастурларининг аудио-видеосигналларини самарали сиқиш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган. Қўллаш натижасида ўзгартиришларнинг тезлигини оширишга ва маълумотларни йўқотмасдан сиқишга, мос равишда тикланган тасвирларнинг сифатини ўзгармаслигига имкон яратади.

2. Тасвирларнинг вақт бўйича ортиқлигини йўқотишга имкон берувчи кадрлараро масштаблаш алгоритми ишлаб чиқилган. Экспериментал тадқиқотлар кичик деталлари бўлмаган тасвирларга ушбу усулни қўллаш якуний юз марта сиқилганда тасвирнинг яхши сифатини сақлаб қолиш ва чиқувчи аудио-видео файлларнинг ҳажмини мавжуд кодекларга нисбатан 1,2 марта камайтириш имконини беради.

3. Товуш сигналининг вақт бўйича ортиқчилигини йўқотишга асосланган аудиосигналларни сиқиш усули ва алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланилиши натижасида мавжуд кодекларга нисбатан овоз сигналларининг умумий сиқилишини 1,1 марта ошириш ва чиқувчи файлларнинг ҳажмини дастур сюжетга боғлиқ ҳолатда 1,05–1,1 мартагача (5–10%) камайтириш имконини яратади.

4. Икки кадрнинг ўхшашлигини кўрсатувчи тасвирлар ўртача ёрқинлигини ўлчагич ишлаб чиқилган бўлиб ўхшаш кадрларни аниқроқ топишга ёрдам беради.

5. Декодланган тасвирнинг сифатини корректори ишлаб чиқилган бўлиб, тиклаш натижасида ҳосил бўлган қийматларни базис функциялари ёрдамида тўғирлаб сифатли тасвир олиш имконини яратади.

6. Бирламчи ва тикланган тасвирлар натижаларини баҳолаш учун тасвир аниқлиги ва ўрта-квадратик оғишни ўлчагичлари ишлаб чиқилган бўлиб, кодлашнинг ҳатоликларини объектив баҳолаш имконини беради.

7. “O‘zbekiston MTRK mediamarkazi” давлат унитар корхонасида қўлланиладиган telestream pipeline dual HD микропроцессор қурилмасида жорий этиш учун вейвлет ўзгартириш билан тасвирнинг ёрқинлигини қайта ишлаш асосида ва аудиосигналларнинг фрактал спектр ўзгартиришга асосланган телевизион сигнални сиқишнинг структура схемаси ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган аудио-видеосигналларни самарали кодлаш тизимини қўллаш натижасида кодланган сигналларнинг ҳажмини 1,2 марта камайтириш ва серверда 20% кўпроқ маълумот сақлаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

**НОСИРОВ ХАБИБУЛЛО ХИКМАТУЛЛО УГЛИ**

**ВЫСОКОЭФФЕКТИВНЫЕ СИСТЕМЫ СЖАТИЯ МЕДИА  
КОНТЕНТА ТЕЛЕВИЗИОННЫХ ПРОГРАММ, ОЦЕНКА КАЧЕСТВА  
И ИХ СПОСОБЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ**

05.04.02 – Системы и устройства радиотехники, радионавигации, радиолокации и телевидения. Мобильные, волоконно-оптические системы связи

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/T140.**

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Камилов Мирзоян Мирзаахмедович**  
доктор технических наук, профессор,  
академик

**Официальные оппоненты:** **Раджабов Тельман Дадаевич**  
доктор физико-математических наук,  
профессор, академик

**Нигматов Хикмат**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Акционерная компания «UZTELECOM»**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентский университет информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №\_\_). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(протокол рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.)

**Р.Х.Хамдамов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., проф.

**Ф.М.Нуралиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н.

**Х.К.Арипов**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.ф.-м.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире проводятся исследования, направленные на разработку и усовершенствование высокоэффективных систем сжатия, позволяющих повысить качество медиа контента телевизионных программ и увеличить количество передаваемых каналов. «Если учесть, что к 2025 году глобальная база данных возрастет до 163 ЗБ (зеттабайт – триллион гигабайт)»<sup>1</sup>, то уменьшение большого объема, занимаемую аудио-видеосигналами телевизионных программ с сохранением качества звука и изображения является одной из актуальных проблем. В этой связи в зарубежных странах, в том числе США, Великобритании, Японии, Франции, Италии, Бельгии, Испании, Швейцарии, Германии, Китае, России и других государствах достигнуты определенные результаты, в которых особое внимание уделяется созданию высокоэффективной системы сжатия медиа контента телевизионных программ.

С приобретением независимости в нашей республике особое внимание уделялось развитию средств массовой информации, техническому и технологическому переходу на цифровое телевидение, а также улучшению систем передачи и приема медиаконтента телевизионных программ. В этом отношении достигнуты значительные результаты в предоставлении населению качественного изображения и звука с помощью цифрового телевидения, в том числе налажено производство приемных устройств цифровых видеосигналов. Вместе с тем требуется совершенствование высокоэффективных систем сжатия сигналов изображения и звука исходя из современных требований. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи, в частности «... усиление роли средств массовой информации, ... установка и эксплуатация 66 высокомошных и 328 маломощных передатчиков цифрового телевидения, ... обеспечить 100 процентный охват населения цифровым телевидением». Для выполнения этих задач одним из важных вопросов являются повышение качества изображения и звука передаваемых телевизионных сигналов, уменьшение объема медиа контента телевизионных программ, создание возможности внедрения дополнительных сервисных услуг.

В мире одной из актуальных задач является разработка систем сжатия изображений и звука на основе модифицированного дискретно-косинусного и вейвлет преобразований и их трехмерных реализаций, алгоритмов блочного масштабирования, быстрого преобразования Фурье и различных их комбинированных методов. В этом отношении особое внимание уделяется осуществлению целенаправленных научных исследований, в том числе: разработка систем кодирования медиа контента телевизионных программ позволяющих уменьшить объем в сто и более раз с сохранением качество

---

<sup>1</sup> <http://www.storagenewsletter.com/2017/04/05/total-ww-data-to-reach-163-zettabytes-by-2025-idc/>

звука и изображений, разработка методов оценки качества восстановленных изображений и звука, усовершенствование разработанных систем, разработка методов согласования созданного нового стандарта H.265 с предыдущим стандартом H.264.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-1730 от 21 марта 2012 года «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий», №ПП-1741 от 17 апреля 2012 года «О государственной программе по техническому и технологическому переходу на цифровое телевидение в Республике Узбекистан», постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №24 от 1 февраля 2012 года «О мерах по созданию условий для дальнейшего развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на местах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** Группой ISO/IEC JTC 1 Moving Picture Experts Group (MPEG) разработаны телевизионные стандарты сжатия цифровой видео-аудио информации MPEG-1, MPEG-2 на основе алгоритмов дискретно-косинусной обработки изображений. Совместно с группой ITU-T Video Coding Experts Group (VCEG) группа MPEG создали стандарты, предназначенные для телевизионного вещания MPEG-4-10 (H.264 AVC), позднее H.265 HEVC. Учеными S.Blasi, M.Naccari, R.Weerakkody, J.Funnell, M.Mrak, J.Samuelsson, D.Nandakumar, S.Kotecha, S.Metta разработаны системы транскодирования со стандарта H.264 в H.265 и обратно. Y.Miki, Y.Sugito, K.Iguchi, T.Sakiyama, K.Onthriar, K.Loo, Z.Xue создана система кодирования изображения с разбиением на блоки. В результате исследований A.Murphy, S.Silva, L.Claesson, D.Ratka разработана система высокоэффективного кодирования. Исследования В.Дворковича, Ю.Зубарева, А.Рыжкова посвящены анализу систем кодирования аудио и видео информации, их усовершенствованию, кодированию статистических изображений и анализу движения видеообъектов по опорным точкам. Исследования И.Родионова, В.Артюшенко, М.Смирнова, В.Юкина, А.Ратушняк, Д.Ватолина посвящены анализу, исследованию и оценке кодека AVC и других кодеков.

В Узбекистане проблемы совершенствования системы интеллектуального управления процессами обработки изображений и создания различных цифровых моделей процессов фильтрования рассмотрены в трудах Д.А.Абдуллаева, М.М.Камилова, М.М.Мусаева, Х.Н.Зайнидинова, Р.Н.Усмонова, Т.Ф.Бекмуратова и других. В

